

**№ S/4 (3) - 2023**

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ  
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ  
СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES  
AND SOCIAL SCIENCES**



**ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ  
ЭЛЕКТРОННЫЙ ЖУРНАЛ  
ELECTRONIC JOURNAL**

# **SCIENCEPROBLEMS.UZ**

## **ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

Махсус сон

***Nº S/4 (3) – 2023***

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-  
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**ТОШКЕНТ-2023**

## **БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

## **ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

### **07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:**

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Укташ Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

### **08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:**

Карлибаева Раја Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўкташович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Ҳатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Ҳамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б., Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

### **09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:**

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яҳшиликов Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукахаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

### **10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салаҳутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Рахман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

### **12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:**

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуротовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Ҳуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси

Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши хузуридаги Судьялар олий мактаби

#### **13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:**

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети хузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази; Тайланова Шоҳида Зайнине вна – педагогика фанлари доктори, доцент.

#### **19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

Каримова Васила Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш

ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

#### **22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

#### **23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР**

Назаров Насридин Атакулович –сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич –сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

---

### **ОАК Рўйхати**

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

#### **Crossref DOI:**

Таҳририят Crossref DOI нинг расмий аъзоси ҳисобланади ва 10.47.390 DOI префиксига эга. Ҳар бир нашр ва илмий мақолага индивидуал Crossref DOI рақами берилади.

#### **Google Scholar**

Журнал Google Scholar (Академия) да индексацияланади.

---

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг  
долзарб муаммолари** электрон журнали  
1368-сонли гувоҳнома билан давлат  
рўйхатига олинган.  
Муассис: "SCIENCEPROBLEMS TEAM"  
масъулияти чекланган жамият.

#### **Таҳририят манзили:**

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:  
[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

Телеграм канал:

[https://t.me/scienceproblems\\_uz](https://t.me/scienceproblems_uz)

## МУНДАРИЖА

### 07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

<i>Аббасов Беҳзод Бахтиёрович</i>	
1946 – 1965 ЙИЛЛАРДА ФАРГОНА ВОДИЙСИДА ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИШЛАРИ ҲАМДА АҲОЛИНИ ЯНГИ ЎЗЛАШТИРИЛГАН ЕРЛАРГА КЎЧИРИШНИНГ БОШЛАНИШИ .....	10-21
<i>Бабаджанов Ҳасан Бахтиёрович</i>	
ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ДАВРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ТАЪМИНОТИДА ТОМОРҚА ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ ЎРНИ .....	22-27
<i>Саидбобоева Гулзора Нематжоновна</i>	
ГОЭЛРО РЕЖАСИ ВА УНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИДА АМАЛГА ОШИРИЛИШИ .....	28-36
<i>Rasulov Ma'murjon Foziljonovich</i>	
О'ЗБЕКИСТОНДА XALQARO SAYYOHLIKNI RIVOJLANTIRISHDA MADANIY MEROS ОBYEKTALARINING O'RNI .....	37-42
<i>Жиянбекова Шарофат Абдикахаровна</i>	
А.С. ПУШКИН НОМИДАГИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ КУТУБХОНА МАРКАЗИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ВА ШАКЛЛАНИШИ ТАРИХИ .....	43-51
<i>Esonov Ziyodbek Yuldashevich</i>	
FARG'ONA VODIysi QORAQALPOQLARI HUNARMANDCHILIGI TARIXIDAN .....	52-58
<i>Фарманова Гульнара Комилевна</i>	
ИЗ ИСТОРИИ ПЕРВЫХ АРХЕОЛОГИЧЕСКИХ РАБОТ И ИССЛЕДОВАНИЙ НА АФРАСИАБЕ .....	59-65
<i>Turaev Sherzod Gulboy ugli</i>	
DESCRIPTION OF CHARACTERISTICS AND TYPES OF LIVESTOCK FARMING OF SURKHAN OASIS IN B.H. KARMISHEVA RESEARCH .....	66-71
<i>Сотиболдиев Гайратжон Отамирзаевич</i>	
ИНТЕРНЕТНИНГ ТАЪЛИМ ТИЗИМИГА КИРИБ КЕЛИШИ ТАРИХИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР .....	72-78
<i>Rasulov Azizkhon Mukhamadqodirovich</i>	
ЎЗБЕКИСТОННИНГ МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ ТАРИХИ МАНБАЛАРИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ .....	79-90
<i>Абдуллајсанова Нигорахон Турдалиевна</i>	
БЕРУНИЙ ВА ИБН СИНО ҲАЁТИ ВА ИЛМИЙ МЕРОСИ ТАРИХШУНОСЛИГИДАН .....	91-95
<i>Дониёров Носиржон Абдухолик ўғли</i>	
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА ИМЛО СИЁСАТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ТАРИХИДАН .....	96-102

### 08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

<i>Юлдашев Обиддин, Махлиё Мамбетқурова</i>	
ИСЛОМИЙ СУФУРТА (ТАКАФУЛ) ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ .....	103-109

<i>Фозилов Умид Закирович</i>	
БОШҚАРУВ ХОДИМЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ОҚИЛОНА БАҲОЛАШ ТАШКИЛОТ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ САМАРАДОРЛИГИНИНГ АСОСИ .....	110-118
<i>Shoyev Davronbek Axmadjonovich</i>	
BOSHQARISH SIFATINI OSHIRISHDA "MENEJMENT LABORATORIYASI"NI TASHKIL QILISHNING O'RNI .....	119-125
<i>Орзуқулова Зумрад Абдуҳолиқ қизи</i>	
ТРАНСПОРТ-ЛОГИСТИКА ХИЗМАТЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ .....	126-133
<i>Djurakulov Shoxrux, Isaxonova Mohinur</i>	
O'ZBEKİSTONDA RAQAMLI IQTISODİYOT VA UNI TAKOMILLASHTIRISH IMKONİYATLARI .....	134-139
<i>Raxmatullayeva Feruza Azimovna, Sharobiddinov Ahrorbek Qosimjon o'g'li</i>	
YALPI HUDUDIY MAHSULOT SAMARADORLIGINI OSHIRISH YO'LLARI .....	140-146
<i>Ёдгорова Шахноза Хайридиновна</i>	
ЎЗБЕКИСТОНДА ВА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА ТҮҚИМАЧИЛИК САНОАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ТАЖРИБАЛАРИ .....	147-155
<i>Qurbanov Ma'murjon G'ayrat o'g'li</i>	
ASOSIY ISHLAB CHIQARISH KO'RSATKICHLARINI TAKOMILLASHTIRISH USLUBIYATI .....	156-166
<i>Nurullayev Hoshimjon Hamidovich</i>	
BUXORO VILOYATINING NOMODDIY-MADANIY MEROSONING O'ZBEKİSTON TURİZMI RIVOJLANISHIDAGI AHAMIYATI .....	167-172
<i>Маматов Бахадир Сафаралиевич</i>	
РИВОЖЛАНГАН ВА РИВОЖЛНАЁТГАН МАМЛАКАТЛАРНИНГ ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИ ТАЖРИБАЛАРИ .....	173-188
<i>Гойиназаров Санжар Баходирович</i>	
ИНСОН КАПИТАЛИНИ РАҶАМЛЛИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДРАЙВЕРЛАРИНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ МОДЕЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ .....	189-195
<i>Садинов Азиз Зиядуллайевич</i>	
ЧИҚИНДИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАЙТА ИШЛАШНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁНЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ .....	196-203
<i>Курбонова Раҳима Жамшедовна, Мирзаева Ширин Нодировна, Ҳакимов Дамир</i>	
ИЖТИМОЙ КАПИТАЛНИ ЎЛЧАШДА ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАР ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ РОЛИ .....	204-216
<i>Asamxodjayeva Shoira Shukurullayevna, Maxmudov Muxammadqodir Muzaffar o'g'li</i>	
YASHIL IQTISODİYOTNING MOHIYATI VA UNGA INVESTITSİYALARINI YO'NALTIRISH ZARURIYATI .....	217-222

*Исломов Алишер Бахтиёр ўғли*  
БУХГАЛТЕРИЯ АУТСОРСИНГ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШДА ПРОФЕССИОНАЛЛИКНИ  
ТАЪМИНЛАШ ..... 223-229

*Agzamova Nargiza Gapurovna*  
SPECIFICS OF ETHNOGRAPHIC TOURISM AND ETHNIC TOURISM IN UZBEKISTAN .... 230-237

*Муродова Дилноза Чориевна*  
ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ БЎЙИЧА ХОРИЖ  
ТАЖРИБАСИ ВА УНИНГ АМАЛИЙ АҲАМИЯТИ ..... 238-245

*Khodjaeva Shodiyabonu Abitjanovna*  
QISHLOQ XO'JALIGIDA AGROMARKETING TIZIMINING AHAMIYATI VA UNING  
FUNKSIYALARI ..... 246-250

#### **09.00.00 - ФАЛСАФА ФАНЛАРИ**

*Нуруллаева Зулхумор Сидаматовна*  
МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНӢЙ МАДАНИЯТ ТИЗИМИДА МАҚОМ САНЪАТИНИНГ  
ҮРНИ ..... 251-259

*Ibroximov Sarvar Mo'ydinjon o'g'li*  
IJTIMOIY-GUMANITAR VA MUTAXASSISLIK FANLARNI INNOVATSION PEDAGOGIK  
TEXNOLOGIYALAR ASOSIDA O'QITISH ORQALI TALABALARDA FUQAROLIK POZITSIYASINI  
TAKOMILLASHTIRISH ..... 260-265

*Yuldashev Ibroxim To'ychiyevich*  
MOVAROUNNAHR VA XUROSONDA MINIATYURA SAN'ATINING ADABIYOT BILAN O'ZARO  
UYG'UNLIGI VA G'OYAVIY ESTETIK VA AXLOQIY TASAVVURLARINING  
MUSHTARAKLIGI ..... 266-271

*Khamdamova Sitora Safarovna*  
MARKAZIY OSIYO XALQLARI TARIXIY TARAQQIYOTIDA KROSS-MADANIYATINING O'ZIGA  
XOSLIGI ..... 272-277

*Абдуллаев Джасур Абдивайт ўғли*  
ФИЛОСОФСКИЙ АНАЛИЗ КЛАССИФИКАЦИИ КАЧЕСТВ СОВЕРШЕННОГО  
ЧЕЛОВЕКА ..... 278-283

#### **10.00.00 - ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ**

*Xasanov Akbarjon Abdurashidovich*  
O'ZBEK TILSHUNOSLIGIDA MILLIY KONSEPTOSFERANI VOQELANTIRUVCHI LINGVISTIK  
BIRLIKlar BO'YICHA AMALGA OSHIRILGAN TADQIQOTLAR ..... 284-292

*Qurbanova Muharram Jurabekovna*  
XURSHID DAVRON SHE'RIYATINING TIL XUSUSIYATLARI ..... 293-297

*Сафарова Замира Рустамовна*  
ИНГЛИЗЧА ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАР ТАРКИБИДАГИ ИНСОН НОМЛАРИНИНГ ЭТИМОЛОГИК  
ТАСНИФИ ..... 298-304

<i>Gubaydullin Artur Faridovich</i>	THE NUANCES OF HUMOR TRANSLATION IN TERRY PRATCHETT'S 'GOOD OMENS' ....	305-313
<i>Tuxtayeva Dildora Zokirovna, Baxtiyorova Malikabonu Shavkat qizi</i>	ETEL LILIAN VOYNICHNING "SO'NA" ASARIDA BOSH QAHRAMONLAR DINAMIKASI ...	314-318
<i>Seytnazarova Injayim Erjanovna</i>	TILEWBERGAN JUMAMURATOV ASARLARIDA UNDALMALARNING USLUBIY QO'LLANILISHI .....	319-325

<i>Асадова Дилбархон</i>	ЎРХОН ПАМУҚНИНГ "ҚОРА КИТОБ" РОМАНИДА "ЎЗЛИКНИ ИЗЛАШ" МОТИВИ ....	326-342
--------------------------	---	---------

<i>Khusanov Eldor Davlat o'g'li</i>	BUYUK BRITANIYA VA AMERIKA INGLIZ SHEVALALARINING O'XSHASH VA FARQLI JIHATLARI .....	343-348
-------------------------------------	---	---------

## 12.00.00 - ЮРИДИК ФАНЛАР

<i>Утемуратов Махмут Ажимуратович</i>	ЖАМИЯТДА ХУҚУҚИЙ ОНГ ВА ХУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ – ХУҚУҚИЙ ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ БАРПО ЭТИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ .....	349-355
---------------------------------------	---	---------

<i>Шымбергенова Улзада</i>	ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРИДА ВОЯГА ЕТМАНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДА ПЕДАГОГ (ПСИХОЛОГ)НИНГ РОЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ .....	356-362
----------------------------	--	---------

<i>Полвонов Нажмиiddин Аслиддинович</i>	ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА МОЛ-МУЛКНИ МУСОДАРА ҚИЛИШ МАҚСАДИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ ТАҲЛИЛИ .....	363-372
---	---	---------

<i>Мирзаев Щухрат Шавкатович</i>	КАТЕГОРИЯ «ДЕЙСТВИЕ ПРАВА»: ПОНЯТИЕ, СУЩНОСТЬ И ПРЕДЕЛЫ .....	373-382
----------------------------------	---	---------

<i>Муҳаммадиев Сарвар Асқар ўғли</i>	"ЖИНОЯТ НАТИЖАСИДА ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАРНИ УНДИРИШДА РАҶАМЛАШТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ" .....	383-392
--------------------------------------	--	---------

<i>Махмудов Суннат Азим ўғли</i>	ЖИНОЯТ ИШИНИ ТУГАТИШ АСОСИ СИФАТИДА ЯРАШУВ ВА ХУСУСИЙ АЙБЛОВНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ .....	393-399
----------------------------------	---	---------

## 13.00.00 - ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ

<i>Farrux Axmedov</i>	XALQARO TAJRIBALAR ASOSIDA KURASHNI RIVOJLANTIRISH .....	400-409
-----------------------	--	---------

<i>Музабарова Соодат Хайдаровна</i>	ЎРТА АСРЛАР ШАРҚ АЛЛОМАЛАРИ МАҶНАВИЙ МЕРОСИДА МУСИҚА ВА УНИНГ ЭСТЕТИК АҲАМИЯТИ .....	410-415
-------------------------------------	---	---------

*Xaydarova Iroda Nizomiddinovna*

BO'LAJAK INGLIZ TILI O'QITUVCHILARI TALAFFUZINI TAKOMILLASHTIRISH NUQTAYI  
NAZARIDAN 2020-2021 O'QUV YILI FAN DASTURLARI VA MATERIALLARI TAHLILI ... 416-421

*Шукрова Нафиса Алишеровна*

ЗАМОНАВИЙ ВОЛЕЙБОЛГА ХОС ҲИМОЯ ҲАРАКАТЛАРИНИ МОДЕЛЛАШТИРИЛГАН  
ТАРТИБДА ШАКЛЛАНТИРИШ ..... 422-427

*Nigmanov Bori Botirovich*

FUTBOLCHILARNI TAKTIK TAYYORLASHDA HARAKATLI O'YINLARNING  
AHAMIYATI ..... 428-433

*Муродова Дурдона Раимжон қизи*

БҮЛАЖАК МУСИҚА ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ БАДИЙ-ЭСТЕТИК  
КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН ПЕДАГОГИК  
ТЕХНОЛОГИЯСИ ..... 434-438

*Axmedov Alisher Nosir o'g'li*

ANSAMBL BILAN ISHLASH METODLARI VA TAMOYILLARI ..... 439-447

*Saparboyeva Dilshoda Sobir qizi*

BOSHLANG'ICH SINF O'QUVCHILARIDA INSON QADRINI ULUG'LASH MADANIYATINI  
RIVOJLANTIRISH MEXANIZMLARI ..... 448-452

*Mansurbekova Feruza Gayratovna*

BOLALAR XORLARI BILAN ISHLASHNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI ..... 453-456

*Xodjayev Bolta Qurbonovich, Xojiyeva Matluba Shukurovna*

O'QITUVCHI MEHNATNI ILMIY ASOSDA TASHKIL ETISH YO'LLARI ..... 457-465

*Atamuratova Munira*

O'ZBEK GURUHLARIDA INGLIZ TILINI XORIJY TIL SIFATIDA O'QITISHDA MADANIY  
ASPEKTDAN FOYDALANISHGA OID ZAMONAVIY YONDASHUVLAR VA INTERFAOL  
METODLAR TAVSIFI ..... 466-471

*Нурилло Эминов*

ХОРАЗМ ДОСТОНЛАРИНИНГ МОҲИР ИЖРОЧИСИ ОТАХОН МАТЁҚУБОВНИНГ ИЖОДИГА  
БИР НАЗАР ..... 472-476

*12.00.00 – Юридик фанлар*

**Утемуратов Махмут Ажимуратович**  
Тошкент давлат юридик университети профессори,  
юридик фанлар номзоди  
**Электрон почта манзили:** [utemuratov7575@mail.ru](mailto:utemuratov7575@mail.ru)  
**Мобил телефон:** (90) 948-74-75

## **ЖАМИЯТДА ҲУҚУҚИЙ ОНГ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ЙОКСАЛТИРИШ – ҲУҚУҚИЙ ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ БАРПО ЭТИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ**

**Аннотация.** Мақолада ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятнинг ўзига хос хусусиятларга эга эканлиги ўрганилган. Ушбу ҳуқуқий категорияни таҳлил этишда мавзуга оид илмий изланишлар олиб бораётган муаллифлар қарашларида ва юридик манбаларда унинг хилма хил талқинлари мавжудлигидан келиб чиқиб, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият тушунчаси назарий-ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қилинади. Шунингдек, ҳуқуқий демократик давлат барпо этишда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни ѹуксалтириш масалалари ҳақида сўз юритилади.

**Калит сўзлар:** ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият, ижтимоий онг, ҳуқуқий мафкура, ҳуқуқий руҳият, ҳуқуқий тасаввур..

---

**Утемуратов Махмут Ажимуратович**  
Профессор Тошкентского государственного юридического университета,  
кандидат юридических наук

## **ПОВЫШЕНИЕ ПРАВОВОГО СОЗНАНИЯ И ПРАВОВОЙ КУЛЬТУРЫ В ОБЩЕСТВЕ – ВАЖНЫЙ ФАКТОР СТАНОВЛЕНИЯ ПРАВОВОГО ДЕМОКРАТИЧЕСКОГО ГОСУДАРСТВА**

**Аннотация.** В статье изучены характерные черты правосознания и правовой культуры. Анализируются критерии теоретико-правового понятия правосознания, исходя из разных мнений и взгляд авторов проводимых научных исследования по этой теме и юридических источников анализирующих эту правовую категорию. Также, рассматривается вопросы повышения правосознания и правовой культуры в формирования правового демократического государства.

**Ключевые слова:** правовое сознание, правовая культура, социальное сознание, правовая идеология, правовая психология, правовое воображение.

---

**Utemuratov Makhmut**  
Professor of the Tashkent State Law University, Ph.D. in Law

## **INCREASING LEGAL CONSCIOUSNESS AND LEGAL CULTURE IN SOCIETY IS AN IMPORTANT FACTOR IN THE FORMATION OF A LEGAL DEMOCRATIC STATE**

**Abstract.** The article studies the characteristic features of legal consciousness and legal culture. The criteria of the theoretical and legal concept of legal consciousness are analyzed, based on different opinions and views of the authors of ongoing scientific research on this topic and legal sources analyzing this legal category. Also, the issues of increasing legal awareness and legal culture in the formation of a legal democratic state are considered.

**Keywords:** legal consciousness, proven culture, social consciousness, legal ideology, legal psychology, legal imagination.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SP1342V3SI4Y2023N44>

Бугунги кунда дунё миқёсида “Янги Ўзбекистон” деган ибора пайдо бўлиб, Ватанимизнинг халқаро майдондаги нуфузи ва обрў-эътибори тобора ортиб бормоқда. Мамлакатимиизда амалга оширилаётган ислоҳотлар Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг мазмуни ва мантиғини, “инсон – жамият – давлат» деган тамойилни қонунларимизга, кундалик ҳаётимизга чуқур сингдиришда инсон, унинг ҳаёти, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, қонуний манфаатларини таъминлаш, инсон қадрини улуғлашда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятнинг юксалишини тақоза этади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “қонун устуворлигини таъминлашда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқароларни қонунга хурмат руҳида тарбиялаш, қонунлар мазмун-моҳиятини халқимиз ва ижрочиларга ўз вақтида етказиш, уларнинг ижросини тўғри ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга” [1; 209].

Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга доир ишлар самарадорлигини янада такомиллаштириш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар билан уйғун равишда ҳуқуқий билимларини ошириб боришнинг замонавий усулларини жорий этиш, шунингдек, аҳолини, айниқса, ёшларни зарарли ахборотлардан ҳимоя қилиш бўйича мустаҳкам ҳуқуқий иммунитетни шакллантириш мақсадида, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш “шахс – оила – маҳалла – таълим муассасаси – ташкилот – жамият” принципи бўйича тизимли ва узвий ташкил этилиши.; Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 1 январгача қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси ҳамда қўшимча ҳуқуқий маълумотлар етказиш тизимини ўз ичига оладиган Ўзбекистон Республикасининг миллий ҳуқуқий интернет портали, шунингдек 2019 йил 1 июлгача аҳолига бепул маслаҳат бериш порталини ўз ичига олган Advice.uz ҳуқуқий ахборот тизимининг яратилиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида” ги Фармонида [2; 1] белгилаб берилди.

Таъкидлаш жоизки, мустақиллик йилларида ушбу соҳада қатор тадқиқотлар амалга оширилди. Ушбу изланишларнинг асосини ҳуқуқий давлат, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий тарбия ва ҳуқуқий тарғибот каби жамият ҳуқуқий тизимининг муҳим таркибий элементларини ўрганишга қаратилган тадқиқотлар ташкил этади.

Ҳозирги вақтда ёшларда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш орқали уларни фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнларига кенгроқ жалб этиш жараёнларининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ўрганиш ва таҳлил этиш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Шу боис юртимизда ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий онгни юксалтириш ҳамда ҳуқуқий давлатни бунёд этишда уларнинг беқиёс ўрнини илмий-назарий жиҳатдан кенг тадқиқ этиш жамиятимиз олдида турган долзарб ва аҳамиятли муаммолардан бири саналади. Ҳуқуқий онг билан боғлиқ масалаларни ўрганишда, энг аввало, мазкур ҳодисага оид тушунчаларнинг мазмунини таҳлил этиш мақсадга мувофиқ.

Машҳур ҳуқуқшунос олим С.С.Алексеев ҳаётга позитив (ижобий) ҳуқуқни жорий қилган – кишилар ҳаётида етакчи мазмун касб этган ижтимоий тартибга солишнинг маҳсус тури бўлмиш қатъий талаб (императив)лар тўғрисидаги масалага мурожаат қиласкан, улар ижтимоий онг, хусусан, ҳуқуқий онг маҳсули эканлигига ишора қиласди ҳамда анчайин мураккаб муаммолардан бири эканлигини алоҳида уқтиради. У шундай ёзади: “Ахир инсон зоти пайдо бўлишининг илк даврлариданоқ табиий зарурат тақозосига кўра тартибга солиш кўринишлари (мононормалар, уларнинг ажралиб турадиган таркибий қисмлари – ибтидоий ахлоқ, диний ақидалар, тақиқлаш ва ман этишнинг бутун тизими) ибтидоий жамият шароитида кишиларнинг ҳамжамияти – уруғ, жамоа, жамоалар иттифоқи, жамоалараро муносабатларда бир меъёрдаги, тартибли ҳаётни таъминлашнинг тўлиқ уddасидан чиққан.

Шу тариқа инсон зоти цивилизация шароитига кирди, кишиларнинг ҳаёти нафақат шафқатсиз табиат зарурати ва ибтидоий жамиятнинг баъзи ижтимоий ташкилий унсурлари асосида, балки шахсий асосда (вақт ўтиши билан янада кўпроқ) қурила бошлаган. Ҳаётнинг янги шароитлари самараси бўлган ва аксар кишиларнинг ўзлари яратган хусусий мулк, бозор иқтисодиёти, илмий-техник тараққиёт, сиёсий ҳокимият, маънавий ҳаёт институтлари сингари ижтимоий ҳодисалар негизида барпо этилмоқда. Бунда жамиятнинг мураккаб ва жўшқин ўзгаришларга бой тизим сифатида мавжуд бўлиши, ўз вазифасини бажариши ҳамда ривожланишини таъминлаш индивидлар, уларнинг бирлашмаларининг мустақил ақлий фаолияти билан боғланган ва ибтидоий жамиятга нисбатан бекиёс даражада юқори, анчайин мураккаб (унча мустаҳкам бўлмаган) тартибдаги бир бутун организм эҳтиёжларидан келиб чиқадиган шароит назарда тутилмоқда” [3; 15-16].

Ҳуқуқий онг концепциясига оид манбалар ва қарашларнинг кўплигига қарамасдан, бу масалага ёндашишда маълум ноаниқликлар ва турли хил фикрлар мавжуд бўлиб, улар кўпинча қарама-қаршиликларга олиб келади. Ҳуқуқий онг ижтимоий онгнинг кўринишларидан бирини ифодалаши кенг эътироф этилган.

Ижтимоий онгнинг ўзига хос шакли сифатида ҳуқуқий онг ўзига хос хусусиятларга эга. Ушбу ҳуқуқий концепцияни ўрганиб чиққандан сўнг, ушбу мавзу бўйича илмий тадқиқотлар билан шуғулланадиган муаллифлар нуқтаи назарига кўра, ҳуқуқий онгнинг турли хил талқинлари мавжуд эканлиги аён бўлади.

Юридик қомусий луғатда “ҳуқуқий онг давлат ва ҳуқуқ назарияси ва криминологиянинг категорияси бўлиб, у ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган ҳодисаларни ўзида акс эттириши билан боғлиқ бўлган ҳамда ҳуқуқий аҳамиятли қадриятлар, ҳуқуқни тушуниш, зарурий ҳуқуқий тартибот тўғрисидаги тасаввурлар билан белгиланадиган ижтимоий, гуруҳий ва индивидуал онг соҳаларини англатади” дейилган. Луғатда берилган таъриф ўзига хос бўлиб, унда ҳуқуқий онгнинг шаклланиш омиллари ҳам ўз ифодасини топган, яъни ҳуқуқий онг (инглизча “legal awareness”) “ҳуқуқий аҳамиятли қадриятлар, ҳуқуқни тушуниш, зарурий ҳуқуқий тартибот тўғрисидаги тасаввурлар билан белгиланадиган” ҳодисалиги қайд этилади.

Мазкур масала бўйича монографик тадқиқотлар олиб борган ҳуқуқшунос олим Э.Х.Халиловнинг фикрича, “ҳуқуқий онг ҳуқуқни англаш демакдир, одамларнинг ҳам амалдаги ҳуқуқга, ҳам уларнинг ўзлари исталган ҳуқуқга муносабатини ифода этадиган тассаввур ва ҳис-туйғуларнинг мужассамидир. У табиатан ҳуқуқ билан муштаракдир ва

шу сабабли мавжуд иқтисодий муносабатларга нисбатан иккиламчидир. Ҳуқуқий онг жамиятнинг, турли ижтимоий гуруҳларнинг объектив равища келиб чиқсан эҳтиёжлари ҳамда манфаатларининг бевосита таъсирида шаклланади, ўзгариб турадиган объектив шароитлар ва жараёнлар таъсири остида доимий ривожланиб боради. Ҳуқуқий онг ижтимоий онгнинг бир қисмидир ва шу сабабли унга фалсафий, мафкуравий ҳамда сиёсий қарашлар таъсир этиб туради” [4; 12].

Юқоридаги таърифдан фарқли ўлароқ, ҳуқуқшунос олим З.М.Исломов ҳуқуқий онг тушунчасига нисбатан қуйидагича ёндашади: “Хуқуқий онгни мамлакат фуқароларининг ҳам амалдаги ҳуқуққа, юридик амалиётга, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари, мажбуриятларига, ҳам орзу қилинган ҳуқуққа ва бошқа ҳуқуқий ҳодисаларга муносабатини ифодаловчи ҳуқуқий сезгилар, ғоялар, баҳолар, тасаввурлар тизими сифатида таърифлаш мумкин” [5; 537]. Бунда З.М.Исломов мазкур ҳодисани анча кенг таърифлаб, унинг таркибиға фуқароларнинг нафақат амалдаги ҳуқуққа, балки, мавжуд юридик амалиётга, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари, мажбуриятларига бўлган қарашларини ҳам киритади. Шунга ўхшаш таърифни ҳуқуқшунос олимлар А.Х.Сайдов ва У.Тожихоновлар ҳам илгари сурадилар. Яъни уларнинг фикрича, ҳуқуқий онг – ҳуқуқий ҳиссиятлар, туйғулар, ғоялар, қарашлар, баҳолар, йўл-йўриқлар, тасаввурлар ва фуқароларнинг Ўзбекистон Республикасиға муносабатини кўрсатувчи, бу муносабат эса амалдаги ҳуқуқга, ҳуқуқий амалиётга, фуқаролар ҳуқуқлари ва бурчларига нисбатан, шунингдек, бошқа орзу қилинган ҳуқуқларга нисбатан бўлиши лозим ҳолатлар тизимиdir [6; 327].

Хуқуқшунос олимлар Ш.Сайдуллаевларнинг фикрича, “хуқуқий онг - бу ижтимоий онгнинг шаклларидан бири бўлиб, кишиларда хуқуққа, қонунчиликка, хуқуқ тартиботга ва бошқа хуқуқий ҳодисаларга нисбатан бўлган ғоялар, ҳис туйғулар, тасаввурлар йиғиндисидир” [7; 110].

Хуқуқий онгни ижтимоий онгнинг бошқа соҳаларига (сиёсий, ахлоқий, эстетик ва б.) нисбатан ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, хуқуқий онг инсонларнинг ижтимоий ҳаётнинг юридик аҳамиятли ҳодисаларга (амалдаги қонунчиликга, юридик амалиётга, инсонлар ва фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларига) нисбатан баҳоловчи руҳий муносабатини ифодаловчи хуқуқий тасаввурлари, қарашлари, ғоялари, ҳислари, ҳаяжонлари мажмуи сифатида намоён бўлади. Бундан ташқари, хуқуқий онг фуқароларнинг хуқуқий ижтимоийлашуви жараёнлари натижаларини, жамиятда қонунийлик ва хуқуқий тартибот ҳолатини, жорий хуқуқ тизимининг алоҳида қисмларини ёки тўлалигича ўзини ўзгартиришга бўлган эҳтиёжни ўзида ифода этадиган ҳодиса сифатида намоён бўлади. У шунингдек, хуқуқ ижодкорлиги ва хуқуқни қўллаш амалиётининг муҳим кўрсаткичи вазифасини бажаради.

Ижтимоий онгнинг таркибий қисми бўлган хуқуқий онгнинг юридик табиати юзасидан юқоридаги қисқача таҳлил асосида унинг қуйидаги ўзига хос хусусиятларини кўрсатиб ўтиш мумкин:

- унда фақатгина жамият ҳаётининг хуқуқий томонини ташкил этувчи ҳодисалар акс этади. Шу билан бирга, хуқуқий онгнинг шаклланишига сиёсий, ахлоқий, диний ва бошқа қарашлар ҳам фаол таъсир кўрсатишини инкор этиб бўлмайди;
  - хуқуқий онгда жамият ҳаётининг маҳсус юридик тушунчалари ва категориялари (хуқуқий хулқ атвор, хуқуқбузарлик, юридик жавобгарлик ва б.) орқали

акс этиш усули намоён бўлади;

– хуқуқий онг, биринчидан, хуқуқнинг жамият эҳтиёжларини ифодаловчи манбаидир, иккинчидан, хуқуқни ижтимоий воқеликка татбиқ этишнинг зарур омилларидан биридир, учинчидан, у шахсларнинг хулқ-автори хуқуқ нормаларига қай даражада мос келишини тушуниб олишга қўмаклашади ва уларни баҳолаш воситаси сифатида хизмат қиласди;

– хуқуқий онгнинг шаклланишида расмий ва норасмий субъектларнинг фаолияти муҳим ўрин тутади. Бунда расмий субъектлар доирасига давлат ҳокимияти органлари, уларнинг мансабдор шахслари, таълим ва тарғибот муассасалари, оммавий ахборот воситаларини киритиш мумкин. Норасмий субъектлар қаторига эса диний конфессиялар, турли хил ижтимоий гурӯҳлар, фуқаролик жамияти институтлари, жамоалар (оила, меҳнат жамоаси ва бошқалар), лидерлар (ўз фаолияти орқали ўрнак бўлувчи шахслар) киради.

Демак, хуқуқий онг – бу ижтимоий онгнинг шаклларидан бири бўлиб, кишиларда хуқуқга, қонунчиликга, хуқуқ-тартиботга ва бошқа хуқуқий ҳодисаларга нисбатан бўлган ғоялар, ҳис туйғулар, тасаввурлар йиғиндисидир.

Фикримизча, хуқуқий онг, биринчидан, хуқуқнинг жамият эҳтиёжларини ифодаловчи манбаидир; иккинчидан, хуқуқни ижтимоий воқеликка татбиқ этишнинг зарур омилларидан биридир; учинчидан, шахсларнинг хулқ-автори хуқуқ нормаларига қай даражада мос келишини тушуниб олишга қўмаклашади, баҳолаш воситаси сифатида хизмат қиласди.

Ўз навбатида, хуқуқий онгсиз хуқуқий ижодкорликни ҳам, хуқуқнинг ўзини ҳам тасаввур этиб бўлмайди. Албатта, бу фикрдан хуқуқий онг хуқуқни яратади деган маъно келиб чиқмайди. Хуқуқ хуқуқий онг томонидан эмас, балки ҳаётдаги муайян иқтисодий шарт-шароитлар негизида яратилади. Хуқуқий онг эса бу жараёнда фақат воситачи, янги ғоялар асоси вазифасини бажаради.

Албатта, амалдаги хуқуқ хуқуқий онгга ўз таъсирини кўрсатади. Зеро, бу ҳол фуқароларнинг ўз хуқуқлари ва мажбуриятлари ҳақидаги, хуқуқ-тартибот тўғрисидаги тасаввурларини шакллантиради. Айни пайтда хуқуқий онг ҳам жамият манфаатлари йўлида хуқуқни қўллаш тажрибасини белгилаб бераркан, амалдаги хуқуққа таъсир кўрсатади, давлатнинг норма яратиш фаолиятини тақозо этади.

Хуқуқий онг ҳар бир халқнинг маданияти, ҳаёт тарзининг таркибий қисми сифатида хуқуқнинг маънавий моҳиятини энг тўла ва ҳар томонлама акс эттиради. Зеро, цивилизациянинг турли қўринишларида хилма-хил маданий-тариҳий ҳамжамиятларда хулқ-автор нормалари, зарурат ҳақида, у ёки бу вазиятларни тартибга солиш усуллари ва бошқалар тўғрисида хилма-хил, кўпинча ўзаро жиддий фарқланувчи тасаввурлар мавжуд бўлади.

Хуқуқий онг – бу инсон ўзини қуршаб турган хуқуқий оламни ўрганиш, англаш қобилияти сифатида тушуниладиган онг шаклларидан биридир. Моддий оламнинг предмет ва ҳодисаларидан фарқли ўлароқ, онг натижалари бир қатор хусусиятларидан айрилган ўзига хос ажиб қўринишдаги тафаккур ифодаси саналади. Билимлар ўзига хос шаклларда: сезги, тасаввур, тушунча, категория, объектив қонуният ва назариялар тўғрисидаги мулоҳазалар сифатида мавжуд бўлади. Шундай қилиб, онг инсоннинг ўзини қуршаб турган оламни билиш шаклини, шунингдек инсоннинг муайян ижтимоий

ва табиий ҳодисалар, жараёнларни ўзгартириш, такомиллаштириш, янги моддий ҳамда маънавий бойликларни яратиш бўйича ушбу дунёга нисбатан турли шаклдаги баҳолаш ва таклифлар кўринишида муносабат билдиришини ўзида акс эттиради.

Хуқуқий онг ижтимоий онг турларидан бири бўлиб, тўлиқ унинг хусусиятларига эга. Хуқуқий онг ҳуқуқ тузилишини, унинг бошқа ижтимоий ҳодисалар билан, шу жумладан қонунчилик ва ундаги хуқуқий нормалар; юридик амалиёт, яъни норматив-хуқуқий хужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш бўйича ваколатли давлат органлари фаолияти, муайян хуқуқий муносабатларда ҳуқуқий нормаларни амалга ошириш бўйича давлат идоралари, фуқаролар ва бошқа шахсларнинг фаолияти, қонунни бузишга қарши курашиш бўйича давлат ва жамият фаолияти кабилар билан турли алоқа ва муносабатларни ифода этади. Бундан ташқари, онг ҳуқуқнинг ижтимоий ҳодиса сифатида вужудга келиш ва ривожланиш тарихини, унинг тараққий этиш жараёнида босиб ўтган босқичларини гавдалантиради [8; 80-82].

Юқоридагиларга асосланган ҳолда, хуқуқий онгга қуйидагича таъриф бериш мумкин: Хуқуқий онг бу жамиятнинг тараққиёт даражаси билан белгиланадиган ижтимоий онгнинг муҳим бир таркибий қисми бўлган, инсонларнинг ҳуқуқ, сиёсий-хуқуқий ҳодисалар, юридик амалиёт, хуқуқий тизим ва исталаётган, кутилаётган ҳуқуқ ҳақидаги фикрлари, ўйлари, ҳис-туйғулари, қарашлари, изтироб-кечинмалари ҳамда баҳолари ва тасаввурлари мажмуасидир.

Хуқуқий маданиятни икки маънода, яъни кенг ва тор маънода тушуниш мумкин. Кенг маънода ҳуқуқий маданият деганда инсоният ҳуқуқий соҳада яратган барчаҳодиса ва нормалар: ҳуқуқ, ҳуқуқ фани, ҳуқуқий онг, юридик амалиёт тушунилади. Хуқуқий маданият ҳуқуқ фанининг, ҳуқуқий онгнинг ҳолати, қонунларнинг ишлаб чиқилиши, сифати, қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботнинг аҳволи, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва амалиётчи юристларнинг касб маҳорати даражаси билан ажralиб туради. Тор маънода эса, ҳуқуқий маданият деганда жамият аъзоларининг ҳуқуқни билиши, унга ҳурмат билан қарashi ва амал қилиши, жамиятда ҳуқуқнинг юқори нуфузга эга бўлиши тушунилади. Академик Ш.З.Ўразаевнинг талқинига кўра, “ҳуқуқий маданият – ҳуқуқий тизимнинг етуклигини, ривожланганлигини, қонунийликнинг ҳолатини, кишиларнинг ҳуқуқий талабларга, қонунга муносабатини, аҳоли кенг оммасининг ҳуқуқий саводхонлик даражасини, уларнинг ҳуқуқ бузилишларига муросасизлигини қамраб оловчи кенг тушунча”dir [9; 5-6]. В.И.Каминская ва Р.А.Ратиновлар ҳуқуқий маданият тушунчасига “ҳуқуқнинг амал қилиш жабҳасига даҳлдор бўлган моддий ва идеал элементлар тизими, уларнинг одамлар онги ва хулқ-атворидаги инъикоси” [10; 369], деб таъриф берадилар.

В.П.Сальников ҳуқуқий маданиятни шахс ва жамиятнинг ҳар хил ҳолатларга кўра тизимга солиниши лозим бўлган ҳуқуқий ҳолати сифатида идрок этилиши мумкин бўлган алоҳида ижтимоий ҳодиса, деб тавсифлайди [11; 74]. Р.И.Хачатуровнинг фикрича, ҳуқуқий маданият деганда жамият ҳуқуқий ҳаётининг бутун ижтимоий, маънавий, сиёсий ва иқтисодий тузум билан белгиланган, ҳуқуқий фаолият, юридик хужжатлар, ҳуқуқий онгнинг эришилган ривожланиш даражасида ва умуман субъект (инсон, турли гуруҳлар, бутун аҳоли)нинг ҳуқуқий ривожланиш даражасида, шунингдек инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг давлат ва фуқаролик жамияти томонидан кафолатланганлик даражасида ифодаланувчи ҳолати тушунилади [12; 7-8]. Ҳуқуқшунос

олима Е.В.Аграновскаяяниг фикрича, ҳуқуқий маданият – бу юридик ҳуқуқлар ва бурчларнинг муҳимлиги, зарурлиги ва ижтимоий аҳамияти хусусида ҳуқуққа, қонунийликка, ҳуқуқий тартиботга нисбатан ижобий муносабатни шакллантирувчи, ҳуқуқий жабҳада ижтимоий фойдали хулқ-атворни таъминловчи қарашлар, баҳолар, эътиқод ва мўлжаллар тизимиdir [13; 15].

Хулоса қилиб айтганда мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат барпо этишда муҳим омилларидан бири бу шубҳасиз, жамиятнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга қаратилган қонун устуворлигини таъминлашда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқароларни қонунга ҳурмат руҳида тарбиялаш муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, фуқароларимиз ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, уларнинг сиёсий фаоллигини оширишда ҳам Конституциянинг ўрни ва аҳамияти беқиёс эканини алоҳида таъкидлаш орқали, олий юридик кучга эга бўлган, тўғридан-тўғри амал қиласидиган ва ягона ҳуқуқий маконнинг асосини ташкил этадиган Асосий қонунимиздаги барча модда ва нормаларни аҳоли қатламлари, айниқса ёшларимиз томонидан доимо ўрганилиши жамиятимизда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятнинг юксалишига олиб келади. Ўз навбатида бу борадаги фаолиятни такомиллаштириш қонунни ҳурмат қилиш, ҳуқуқий жамиятнинг, сиёсий ва ҳуқуқий тизимларнинг самарали фаолият кўрсатишининг асосий талабларидан бири бўлиб қолади.

### **Adabiyotlar/Литература/References:**

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз Т.1. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – Б.209.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида” ги Фармони” Халқ сўзи газетаси 2019 йил 10 январь.
3. Алексеев С.С. Право на пороге нового тысячелетия. –М., «Статут», 2000. –С.15-16.
4. Ҳалилов Э.Ҳ. Ижтимоий турмушда ҳуқуқий онгнинг ўрни. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – Б.12
5. Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. –Тошкент: Адолат, 2007. – Б.537
6. Сайдов А., Тожихонов У. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. 2-жилд. – Тошкент: Адолат, 2001. – Б.324.
7. Сайдуллаев Ш. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик. –Тошкент: ТДЮУ, 2021. – Б.110.
8. Социология права. –М., «Юстицинформ», 2004. –С.80-82.
9. Уразаев Ш.З. Перестройка и правовая культура. – Ташкент: “Фан”, 1988. – С.5-6
10. Морозова Л.А. Теория государства и права: Учебник. – М.: Юристъ, 2005. –С.369
11. Сальников В.П. Социалистическая правовая культура. Методологические проблемы. – Саратов, 1989. –С.74
12. Хачатуров Р.И. Формирование правовой культуры в условиях становления гражданского общества в России: политico-правовое исследование. Автореф. дисс...канд. юрид. наук. – Казань, 2005. –С.7-8
13. Аграновская Е.В. Правовая культура и обеспечение прав личности. – М., 1988. –С.15

# **SCIENCEPROBLEMS.UZ**

## **ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

Махсус сон

*Nº S/4 (3) – 2023*

## **АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг  
долзарб муаммолари**" электрон  
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-  
сонли гувоҳнома билан давлат  
рўйхатига олинган.

**Муассис:** "SCIENCEPROBLEMS TEAM"  
масьулияти чекланган жамият

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой  
тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-  
уй. Электрон манзил:  
[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

**Боғланиш учун телефонлар:**  
(99) 602-09-84 (telegram).